



## CURRENT ISSUES OF LABOR PROTECTION AND THE IMPROVEMENT OF ITS ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS IN THE DIGITAL AGE

**Omonboyev Elyorjon Nomonjon ugli**

Republic of Uzbekistan

Law Enforcement Academy Master's student

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19691271>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 21<sup>st</sup> April 2026

Online: 22<sup>nd</sup> April 2026

### KEYWORDS

Occupational safety,  
workplace attestation,  
hazardous working  
conditions, artificial  
intelligence, labour  
inspection, prosecutorial  
supervision, digital  
monitoring, EU AI Act,  
industrial safety.

### ABSTRACT

*This article analyses current issues of occupational safety and health, its organisational and legal aspects, as well as the scientific and theoretical foundations for ensuring the rights of citizens employed in hazardous working conditions. Based on the dynamics of workplace accidents recorded in the Republic of Uzbekistan in 2024 and 2025, along with examples from the practice of prosecutorial bodies, problems of the current legislation are identified. Scientific and practical recommendations are proposed for introducing artificial intelligence technologies into the occupational safety system. A comparative legal analysis of the EU Artificial Intelligence Act (Regulation 2024/1689) and the experience of the EU-OSHA digital age safety campaign is presented.*

## АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОХРАНЫ ТРУДА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЕЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ АСПЕКТОВ В ЦИФРОВУЮ ЭПОХУ

**Омонбоев Элёржон Номонжон угли**

Республика Узбекистан

Академия правоохранительных органов слушатель магистратуры

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19691271>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 21<sup>st</sup> April 2026

Online: 22<sup>nd</sup> April 2026

### KEYWORDS

Охрана труда,  
аттестация рабочих  
мест, вредные условия  
труда, искусственный  
интеллект, трудовая  
инспекция, прокурорский  
надзор, цифровой  
мониторинг, EU AI Act,  
производственная  
безопасность.

### ABSTRACT

*В статье анализируются актуальные вопросы охраны труда, её организационно-правовые аспекты, а также научно-теоретические основы обеспечения прав граждан, занятых во вредных условиях труда. На основе динамики несчастных случаев, зарегистрированных в Республике Узбекистан в 2024 и 2025 годах, и примеров из практики органов прокуратуры выявлены проблемы действующего законодательства. Предложены научно-практические рекомендации по внедрению технологий искусственного интеллекта в систему охраны труда. Проведён сравнительно-правовой анализ Регламента ЕС об искусственном интеллекте (Regulation*



2024/1689) и опыта кампании EU-OSHA по безопасности труда в цифровую эпоху.

## МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ҲАМДА РАҚАМЛИ АСРДА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Омонбоев Элёржон Номонжон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19691271>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 21<sup>st</sup> April 2026

Online: 22<sup>nd</sup> April 2026

### KEYWORDS

Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринлари аттестацияси, зарарли меҳнат шароитлари, сунъий интеллект, меҳнат инспекцияси, прокурор назорати, рақамли мониторинг, EU AI Акт, ишлаб чиқариш хавфсизлиги.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада меҳнатни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-назарий асослари таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикасида 2024 ва 2025 йилларда қайд этилган бахтсиз ҳодисалар динамикаси ҳамда прокуратура органлари амалиётидан олинган мисоллар асосида миллий қонунчиликдаги мавжуд муаммолар кўрсатилиб, сунъий интеллект технологияларини меҳнат хавфсизлиги тизимига жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Европа Иттифоқининг 2024 йилдаги Сунъий интеллект тўғрисидаги Регламенти (Regulation 2024/1689) ҳамда EU-OSHA рақамли даврдаги меҳнат хавфсизлиги кампанияси тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

### Кириш

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш – замонавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, инсон капиталининг сақланиши ҳамда ижтимоий адолат мезонларини таъминлашнинг муҳим

институционал омилларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахснинг соғлиқ учун хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланган<sup>1</sup> ва ушбу норма ҳуқуқий тартибга солишнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Янги таҳрир). 42-модда. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й.,

03/23/837/0241-сон. – URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат санаси: 15.04.2026).



конституциявий асосини ташкил этади.

Миллий қонунчиликда меҳнат хавфсизлиги соҳасини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек давлат ҳамда жамоат назорати механизмларини белгилаб беради<sup>2</sup>. Хусусан, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун меҳнат муҳофазасини ташкил этишнинг ягона тартибини ўрнатади<sup>3</sup>.

Муаммонинг глобал миқёсдаги долзарблиги халқаро статистика маълумотлари орқали яққол тасдиқланади. Халқаро меҳнат ташкилотининг 2023 йилдаги ҳисоботида биноан, дунё бўйича ҳар йили деярли 3 миллион киши меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари оқибатида ҳаётдан кўз юмади, яна 395 миллион ходим жароҳатланади<sup>4</sup>. Тақалла ва ҳаммиулайненнинг 2024 йилдаги илмий тадқиқотларига кўра, 2019 йилда меҳнат билан боғлиқ

сабаблар оқибатида 2,9 миллион кишининг ўлими қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 12 фоизга ортгани аниқланган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ҳам меҳнат хавфсизлиги муаммоси сезиларли даражада долзарбдир. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда мамлакатда меҳнат жараёни билан боғлиқ 868 та бахтсиз ҳодиса қайд этилиб, уларда 261 нафар киши ҳалок бўлган, 976 нафари жароҳатланган<sup>6</sup>. 2025 йил якунлари бўйича эса 849 та бахтсиз ҳодиса рўйхатга олинди, 216 нафар киши ўлими, 583 нафар оғир жароҳати билан якун топган. Соҳалар кесимида қурилиш сфераси етакчилик қилиб, 234 та ҳодиса айнан мазкур тармоққа тўғри келган<sup>7</sup>.

Сўнгги йилларда кўплаб корхоналарда замонавий хавфсизлик тизимлари жорий этилиб, минглаб ходимлар касбий ўқув курсларидан ўтказилаётгани ижобий тенденция саналади. Бироқ прокуратура органлари томонидан ўтказилган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ-798-сон Қонун билан тасдиқланган // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.10.2022 й.

<sup>3</sup> "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: 1993 йил 6 майдаги 839-XII-сон (2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон Қонуни таҳририда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/3031427> (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>4</sup> International Labour Organization. Nearly 3 million people die of work-related accidents and diseases: ILO Global Report, A Call for Safer and Healthier Working Environments. – Geneva: ILO, 2023. – URL: <https://www.ilo.org/resource/news/nearly-3-million-people-die-work-related-accidents-and-diseases> (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>5</sup> Takala J., Hämmäläinen P., Sauni R. et al. Global-, regional- and country-level estimates of the work-related burden of diseases and accidents in 2019 // Scandinavian Journal of Work, Environment & Health. – 2024. – Vol. 50, Issue 2. – P. 73–82. – DOI: 10.5271/sjweh.4132.

<sup>6</sup> Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий маълумотлари // Gazeta.uz, 02.05.2025. – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2025/05/02/mehnat-muhofazasi/> (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил якунлари бўйича маълумотлари // Gazeta.uz, 13.01.2026. – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2026/01/13/accidents/> (мурожаат санаси: 15.04.2026).



текширувлар ва юқоридаги статистика кўрсатмоқдаки, амалий муаммолар ҳамон етарлича жиддий даражада сақланиб қолмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик янгиланиши, меҳнат муносабатларининг мураккаблашуви ҳамда хавф омилларининг кўпайиши анъанавий ёндашувларнинг чекланганлигини намоён этмоқда.

Р.Пипернинг таъкидлашича, замонавий меҳнат муҳофазаси фақат техник қоидаларга риоя этишдан иборат эмас, балки мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий тизим бўлиб, у иш берувчи мажбуриятлари, давлат назорати ва ходимларнинг фаол иштироки уйғунлигида шаклланади<sup>8</sup>. Шу муносабат билан ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни замонавий рақамли технологиялар, хусусан сунъий интеллект воситалари билан уйғунлаштириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

### **Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолар:**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат ҳуқуқининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Меҳнат кодекси, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда қатор қонуности ҳужжатларида иш берувчиларнинг мажбуриятлари, ходимларнинг ҳуқуқлари ва давлат

назорати тартиби аниқ регламентлаштирилган.

Бироқ, амалиётда ташкилот ва муассасаларда ходимларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш талабларига риоя қилмаслик, инсон саломатлигига зарарли иш ўринларини ўз вақтида аттестациядан ўтказмаслик, зарарли касбларда ишлаётган ходимларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаслик каби ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмоқда.

"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига биноан имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринлари, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши шарт. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси иш берувчи томонидан беш йилда камида бир марта ўтказилиши белгиланган<sup>9</sup>.

Амалиётдан мисол сифатида Фарғона вилояти прокуратураси ўтказилган текширишда аниқланган ҳолатни келтириш мумкин. Вилоятда истиқомат қилувчи фуқаро М.М. узоқ йиллар давомида тиббиёт соҳасида турли зарарли касбларда фаолият юритган бўлса-да, унинг иш жойлари

<sup>8</sup> Pieper R. ArbSchR – Arbeitsschutzrecht: Arbeitsschutzgesetz, Arbeitssicherheitsgesetz und andere Arbeitsschutzvorschriften. – 7. Aufl. – Frankfurt am Main: Bund-Verlag, 2021. – S. 45–48.

<sup>9</sup> "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/3031427> (мурожаат санаси: 15.04.2026).



ўз вақтида аттестациядан ўтказилмаган. Шу сабабли мазкур фуқаро зарарли касбларда ишлаганлик фактини белгилаш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2022 йил 8 ноябрдаги ҳал қилув қарорини сохталаштириб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тақдим этганлиги аниқланган<sup>10</sup>.

Шу тариқа, Фарғона вилоятидаги sanoat корхоналарида зарарли касбларда ишлаган 500 дан ортиқ фуқаронинг иш ўринлари ўз вақтида аттестациядан ўтказилмаганлиги оқибатида ушбу фуқаролар томонидан 30 та суд қарори сохталаштирилганлиги аниқланган. Прокуратура органлари томонидан 2025 йилда бу йўналишда 5 та жинойт иши қўзғатилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ҳуқуқий онги етарли эмаслиги, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашувга йўл қўйилмаслик принципнинг мутлақлаштирилиши ва давлат назоратининг заифлиги юқоридаги тоифадаги қонунбузилишларнинг такрорланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, меҳнат хавфсизлигига оид қонунчиликдаги айрим меъёрларнинг аниқлаштирилмаганлиги ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Япон тадқиқотчиси М.Такахашининг қайд этишича, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар кўп ҳолларда инсон омилига, хусусан иш берувчи ва назорат органлари ходимларининг субъектив ёндашувига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат ривожланган мамлакатларда ҳам долзарб муаммо сифатида сақланиб қолмоқда<sup>11</sup>. Япониянинг 1972 йилдаги "Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида"ги Қонуни (Act No. 57 of 1972) иш берувчининг мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали ушбу муаммоларни ҳал этишда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади<sup>12</sup>.

### **Сунъий интеллектнинг меҳнат муҳофазасидаги амалий имкониятлари ва халқаро тажриба:**

Аниқланган қонунбузилишларнинг такрорланиши замонавий назорат механизмларининг инсон омилига юқори даражада боғлиқлигидан далолат беради. Бу ҳолат субъективлик, маълумотларни кечиктириш ва яшириш хавфини оширади. Шу нуқтаи назардан, меҳнат муҳофазаси тизимини такомиллаштиришда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш стратегик аҳамият касб этади. Халқаро илмий адабиётлар таҳлили кўрсатадики, сунъий интеллект асосидаги прогноз қилиш, реал вақт

<sup>10</sup> Фарғона вилояти прокуратурасининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботи материаллари.

<sup>11</sup> Takahashi M. Sociomedical problems of overwork-related deaths and disorders in Japan // Journal of Occupational Health. – 2019. – Vol. 61, Issue 4. – P. 269–277. – DOI: 10.1002/1348-9585.12016.

<sup>12</sup> Industrial Safety and Health Act of Japan (Act No. 57 of 1972, last amended by Act No. 71 of 2018). – URL:

<https://www.japaneselawtranslation.go.jp/en/laws/view/3440/en> (мурожаат санаси: 15.04.2026).



режимда мониторинг ва автоматлаштирилган хавфларни аниқлаш тизимлари меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор воситаларига айланмоқда<sup>13</sup>.

Биринчидан, сунъий интеллект асосида ишловчи автоматлаштирилган мониторинг тизимлари орқали ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиш муддатлари, иш ўринларининг аттестация ҳолати, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши каби маълумотларни реал вақт режимда назорат қилиш мумкин. Япон саноатида кенг қўлланиладиган "Нол бахтсиз ҳодиса" (Zero Accident Total Participation) кампанияси тажрибаси шуни кўрсатдики, мунтазам мониторинг ва ходимларнинг фаол иштироки меҳнат хавфсизлигини сифат жиҳатидан юксалтиради<sup>14</sup>.

Иккинчидан, сунъий интеллект ёрдамида хавфларни прогноз қилиш моделлари ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш омиллари асосида бахтсиз ҳодисаларнинг эҳтимолий хавфи олдиндан аниқланади. Германиянинг Давлат бахтсиз ҳодисаларни суғурталаш уюшмаси (Deutsche Gesetzliche Unfallversicherung – DGUV)

тажрибасида "Хавфларни кузатиш обсерваторияси" (Risk Observatory) усули муваффақиятли қўлланилиб, мазкур тизим 865 нафар эксперт иштирокида ривожлантирилган ва янги хавф омилларини олдиндан аниқлаш имконини бермоқда<sup>15</sup>. Бундай ёндашув Халқаро меҳнат ташкилотининг 155-сонли Конвенциясида белгиланган превентив назорат талабларига тўлиқ мос келади<sup>16</sup>.

Учинчидан, Европа Иттифоқи тажрибасида 2024 йилда қабул қилинган Сунъий интеллект тўғрисидаги Регламент (Regulation (EU) 2024/1689) меҳнат соҳасида сунъий интеллектни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини янги босқичга кўтарди<sup>17</sup>. Регламент иш жойида ҳис-туйғуларни танитиш (emotion recognition) тизимларини мутлақ тақиқлаб, кадрларни ёллаш, иш фаолиятини баҳолаш ва хавфсизлик мониторингида қўлланиладиган СИ тизимларини "юқори хавфли" категорияга киритган. Бундай тизимлар учун маълумотлар сифати, инсон назорати, алгоритм шаффофлиги ҳамда камситишга қарши кафолатлар ишлаб чиқилиши

<sup>13</sup> Moore P.V., Piwek L. Regulating wellbeing in the brave new quantified workplace // *Employee Relations*. – 2017. – Vol. 39, Issue 3. – P. 308–316. Шунингдек, қаранг: Nwulu I., El-Helaly M. Artificial Intelligence and Occupational Health and Safety: Benefits and Drawbacks // *American Journal of Medicine Open*. – 2024. – Vol. 12. – DOI: 10.1016/j.ajmo.2024.100093.

<sup>14</sup> Concept of "Zero-accident Total Participation Campaign" // Japan Industrial Safety and Health Association (JISHA). – URL: [https://www.jisha.or.jp/english/zero\\_accident.htm](https://www.jisha.or.jp/english/zero_accident.htm) I (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>15</sup> Hauke A., Flaspöler E., Reinert D. Trend Analysis by Risk Observation: How the German Statutory

Accident Insurance Prepares for the Future in Occupational Safety and Health // *Safety and Health at Work*. – 2022. – Vol. 13, Issue 4. – P. 500–507. – DOI: 10.1016/j.shaw.2022.09.006.

<sup>16</sup> Халқаро меҳнат ташкилотининг 1981 йил 22 июндаги 155-сонли "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида"ги Конвенцияси.

<sup>17</sup> Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act) // *Official Journal of the European Union*, L 2024/1689, 12.07.2024.



мажбурийлиги белгиланган. Ушбу ҳуқуқий модель Ўзбекистон учун СИ ни меҳнат муҳофазасида қўллашнинг норматив базасини шакллантиришда муҳим қиёсий-ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тўртинчидан, Европа меҳнат хавфсизлиги агентлиги (EU-OSHA) томонидан 2023-2025 йилларга мўлжалланган "Рақамли асрда хавфсиз ва соғлом меҳнат" кампанияси доирасида чоп этилган ҳисоботларда иловалар, камералар ва қўл-оёқда кийиладиган қурилмалар (wearables) асосидаги рақамли мониторинг тизимлари иш жойларини хавфсизроқ қилиш имкониятига эгаллиги илмий асосланган<sup>18</sup>. EU-OSHA ҳисоботи шунингдек ходимларнинг хусусийлиги, маълумотлар ҳимояси ва жамоавий музокаралар ҳуқуқи СИ тизимларини жорий этишнинг зарурий ҳуқуқий кафолатлари эканлигини таъкидлайди.

Бешинчидан, меҳнат инспекциялари ва прокуратура органлари фаолиятида сунъий интеллектни жорий этиш орқали таҳлилий назорат имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш мумкин. Хусусан, хавfli корхона ва ташкилотларни хавfliлик даражаси бўйича рейтинглаш, иш берувчилар томонидан содир этилаётган тизимли ҳуқуқбузарликларни автоматик равишда аниқлаш имконияти

яратилади. Бу ҳолат Ўзбекистон прокуратура органлари амалиётида юқорида келтирилган Фарғона вилояти мисолидаги каби суд қарорлари сохталаштирилиши фактларини тезроқ аниқлаш ва олдини олишга хизмат қилар эди.

Олтинчидан, сунъий интеллект тизимлари ходимларни ўз ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Мобил иловалар орқали ходимлар тиббий кўрик саналари, иш вақти режимлари, меҳнат таътиллари ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиш тартиби ҳақида онлайн тарзда маълумот олиш имкониятига эга бўладилар. ХМТнинг 155-сонли Конвенциясида ходимларнинг ўз ҳуқуқлари ҳақида етарли ахборотга эга бўлиши хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида эътироф этилган.

**Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни меҳнат муҳофазасига жорий этишнинг ҳуқуқий-институционал жиҳатлари:**

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида адолат, қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган<sup>19</sup>. Айни пайтда 2020 йилдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030"

<sup>18</sup> European Agency for Safety and Health at Work. Smart digital monitoring systems for occupational safety and health: uses and challenges. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2023. – URL: <https://osha.europa.eu> (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ""Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



стратегияси давлат бошқарувини рақамлаштиришнинг асосий ҳуқуқий базасини ташкил этади<sup>20</sup>. Ушбу икки стратегик ҳужжатнинг уйғунликда амалга оширилиши меҳнат хавфсизлиги соҳасида сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш учун қулай ҳуқуқий-сиёсий муҳит яратади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қонунчилигида сунъий интеллектни меҳнат соҳасида қўллашнинг махсус ҳуқуқий режими ҳали шакллантирилмаган. Европа Иттифоқининг 2024 йилдаги СИ тўғрисидаги Регламенти модели асосида қуйидаги йўналишларда ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ: меҳнат муҳофазаси соҳасида қўлланиладиган СИ тизимларини хавф даражаси бўйича таснифлаш; юқори хавфли тизимлар учун сертификатлаш ва аудит тартибини жорий этиш; алгоритм шаффофлиги ва ходимларнинг СИ қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқини қонуний мустақкамлаш.

Халқаро тадқиқотлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, сунъий интеллект тизимлари иш жойида ижобий ўзгаришлар билан бирга янги хавфларни ҳам юзага келтириши мумкин. Фишер ва бошқаларнинг

2023 йилдаги систематик таҳлилига биноан, СИ технологияларининг меҳнат муҳофазасига таъсири ижтимоий тенгсизликнинг ошишига, айниқса ёши катта, паст малакали ёки этник озчилик вакили бўлган ходимларнинг камситилишига олиб келиши мумкин<sup>21</sup>. Шу сабабли СИ тизимлари жорий этилганда ижтимоий тенглик мезонлари ҳисобга олиниши ва камситишга қарши кафолатлар белгиланиши зарур.

### Таклифлар:

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, сунъий интеллектни меҳнат муҳофазаси тизимига жорий этмасдан туриб, қонунбузилишларни барқарор бартараф этиш ва бахтсиз ҳодисалар сонини сезиларли даражада камайтириш мумкин эмас. Шу боис қуйидаги йўналишларда ислохотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи йўналиш – раҳбарлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъул шахслар учун халқаро стандартлар асосида мажбурий ўқув курсларини жорий этиш. ХМТнинг 187-сонли Конвенциясида<sup>22</sup> ва ISO 45001:2018 халқаро стандартида<sup>23</sup> меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизимининг муваффақиятли фаолияти раҳбар ходимларнинг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони. – URL: <https://lex.uz/docs/5030957> (мурожаат санаси: 15.04.2026).

<sup>21</sup> Fisher E., Flynn M.A., Pratap P., Vietas J.A. Occupational Safety and Health Equity Impacts of Artificial Intelligence: A Scoping Review // International Journal of Environmental Research

and Public Health. – 2023. – Vol. 20, Issue 13. – Article 6221. – DOI: 10.3390/ijerph20136221.

<sup>22</sup> Халқаро меҳнат ташкилотининг 2006 йил 15 июндаги 187-сонли "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида"ги Конвенцияси.

<sup>23</sup> ISO 45001:2018. Occupational health and safety management systems – Requirements with guidance for use. – Geneva: International Organization for Standardization, 2018.



касбий тайёргарлигига бевосита боғлиқлиги алоҳида қайд этилган. Амалиётда раҳбарлар ва масъул шахсларнинг ўқув жараёнлари тизимли ва ягона стандарт асосида амалга оширилмаслиги ушбу соҳада ягона малака талабларининг шаклланмаганига олиб келмоқда.

Иккинчи йўналиш – меҳнат муҳофазаси соҳасида ягона рақамли ахборот тизимини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда мазкур соҳадаги маълумотлар турли органлар ва ташкилотлар ўртасида тарқоқ ҳолда сақланиб, меҳнат шароитларини баҳолаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бундай ягона тизимни яратиш "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

Учинчи йўналиш – сунъий интеллект асосида хавф-хатарларни прогноз қилиш моделларини татбиқ этиш. Ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви ва технологик хавф-хатарларнинг ортиши анъанавий усулларнинг чекланганлигини кўрсатмоқда. Сунъий интеллект асосидаги прогнозлаш моделлари катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, хавфларни илмий асосда баҳолаш ва эҳтимолий ҳодисаларни олдиндан башорат қилиш имконини беради. Юқоридаги Ўзбекистон статистикасига эътибор берилса,

қурилиш сферасида СИ асосидаги мониторинг тизимларини жорий этиш биринчи навбатда ушбу тармоққа йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи йўналиш – меҳнат инспекцияси, прокуратура ва судлар фаолиятида сунъий интеллект воситаларини жорий этиш. Бу ХМТнинг 81-сонли "Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги Конвенциясида белгиланган давлат назорати самарадорлигини ошириш талабларига мос келади<sup>24</sup>. Сунъий интеллект ходимларнинг меҳнат шароитлари бузилишига оид ҳолатларни таҳлил қилиш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилмаслигини автоматик белгилаш ва профилактик чора-тадбирларни илмий асосда режалаштириш имкониятини яратади.

Бешинчи йўналиш – ходимлар ва иш берувчилар учун рақамли ахборот платформаларини ишга тушириш. Рақамли ахборот платформалари меҳнат муҳофазасига оид маълумотларни марказлаштириш, ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тезкор хабардорликни таъминлаш ва иш берувчилар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятини яратади. EU-OSHA тажрибаси кўрсатмоқдаки, бундай платформалар ходимларнинг ҳуқуқбузарлик ҳақида анонимлик асосида хабар бериш имкониятига эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

<sup>24</sup> Халқаро меҳнат ташкилотининг 1947 йил 11 июлдаги 81-сонли "Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги Конвенцияси.



Олтинчи йўналиш – бахтсиз ҳодисалар, тиббий кўриклар, меҳнат таътиллари ва меҳнат шароитлари бўйича ягона электрон мониторинг тизимини жорий этиш. Айни пайтда ушбу маълумотлар турли тизимларда алоҳида юритилиб, улар ўртасида ягона мониторинг механизми мавжуд эмас, бу эса олдинги бўлимда келтирилган статистик маълумотларнинг тизимли таҳлилини мураккаблаштиради.

Еттинчи йўналиш – сунъий интеллект қўлланилишида маълумотлар ҳимояси ва этик мезонларни норматив даражада тартибга солиш. Европа Иттифоқининг AI Act (Regulation 2024/1689) ҳужжатига мувофиқ, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, алгоритмлар шаффофлиги, ходимларни кузатишнинг чегараланган доираси ва дискриминацияга қарши кафолатлар "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонун<sup>25</sup> ҳамда Меҳнат кодекси даражасида мустақамланиши шарт. Айниқса, ҳис-туйғуларни танитиш тизимлари ва ходимларни реал вақт режимида узлуксиз назорат қилиш ҳуқуқий чеклашлар доирасида белгиланиши зарур.

Саккизинчи йўналиш – Ўзбекистон Республикасининг "Сунъий интеллектни меҳнат муносабатларида қўллаш тўғрисида"ги махсус қонуности ҳужжатини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжат СИ тизимларини хавф

даражаси бўйича таснифлаш, уларни тест синовидан ўтказиш тартиби, иш берувчиларнинг мажбуриятлари, ходимларнинг ҳуқуқлари ва эътироз билдириш механизмини белгилаши лозим. Ҳужжатни ишлаб чиқишда Европа Иттифоқининг AI Act (2024/1689) ҳужжати, ХМТнинг меҳнат хавфсизлиги бўйича конвенциялари ҳамда Ўзбекистоннинг "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ.

### Хулоса

Таъкидлаш лозимки, меҳнатни муҳофаза қилиш институти фақат меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий восита эмас, балки инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилувчи стратегик ижтимоий-ҳуқуқий тизим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 2024-2025 йилларда қайд этилган бахтсиз ҳодисалар динамикаси ҳуқуқий ислохотларни рақамлаштириш имкониятлари билан уйғунлаштирмасдан туриб, қутилган самарани бериш мумкин эмаслигини яққол кўрсатмоқда.

Демак, меҳнатни муҳофаза қилиш нафақат ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий барқарорлик ҳамда фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустақамлашнинг муҳим омилидир. Меҳнат муҳофазасини сунъий интеллект технологиялари билан таъминлаш келгусида

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни // Қонунчилик

маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/4396428> (мурожаат санаси: 15.04.2026).



қонунбузилишларни тез аниқлаш, хавфларни олдиндан прогноз қилиш ва ходимлар ҳуқуқини автоматик назорат қилиш орқали тизимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Шу билан бирга, СИ ни

қўллашда ходимларнинг шахсий маълумотлари ҳимояси ва эътибор қилиниши зарур бўлган этик мезонлар халқаро стандартлар асосида мустаҳкамланиши лозим.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Янги таҳрир). – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. – URL: <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ-798-сон Қонун билан тасдиқланган. – URL: <https://lex.uz/docs/6257288>
3. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: 1993 йил 6 майдаги 839-XII-сон (2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон Қонуни таҳририда). – URL: <https://lex.uz/docs/3031427>
4. Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни. – URL: <https://lex.uz/docs/4396428>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ""Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ""Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони. – URL: <https://lex.uz/docs/5030957>
7. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1947 йил 11 июлдаги 81-сонли "Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги Конвенцияси.
8. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1981 йил 22 июндаги 155-сонли "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида"ги Конвенцияси.
9. Халқаро меҳнат ташкилотининг 2006 йил 15 июндаги 187-сонли "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида"ги Конвенцияси.
10. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act) // Official Journal of the European Union, L 2024/1689, 12.07.2024.
11. Industrial Safety and Health Act of Japan (Act No. 57 of 1972, last amended by Act No. 71 of 2018). – URL: <https://www.japaneselawtranslation.go.jp/en/laws/view/3440/en>
12. ISO 45001:2018. Occupational health and safety management systems – Requirements with guidance for use. – Geneva: International Organization for Standardization, 2018.
13. Pieper R. ArbSchR – Arbeitsschutzrecht: Arbeitsschutzgesetz, Arbeitssicherheitsgesetz und andere Arbeitsschutzvorschriften. – 7. Aufl. – Frankfurt am Main: Bund-Verlag, 2021. – 1200 S.



14. Takahashi M. Sociomedical problems of overwork-related deaths and disorders in Japan // Journal of Occupational Health. – 2019. – Vol. 61, Issue 4. – P. 269–277. – DOI: 10.1002/1348-9585.12016.
15. Takala J., Härmäläinen P., Sauni R. et al. Global-, regional- and country-level estimates of the work-related burden of diseases and accidents in 2019 // Scandinavian Journal of Work, Environment & Health. – 2024. – Vol. 50, Issue 2. – P. 73–82. – DOI: 10.5271/sjweh.4132.
16. Hauke A., Flaspöler E., Reinert D. Trend Analysis by Risk Observation: How the German Statutory Accident Insurance Prepares for the Future in Occupational Safety and Health // Safety and Health at Work. – 2022. – Vol. 13, Issue 4. – P. 500–507. – DOI: 10.1016/j.shaw.2022.09.006.
17. Fisher E., Flynn M.A., Pratap P., Vietas J.A. Occupational Safety and Health Equity Impacts of Artificial Intelligence: A Scoping Review // International Journal of Environmental Research and Public Health. – 2023. – Vol. 20, Issue 13. – Article 6221. – DOI: 10.3390/ijerph20136221.
18. Moore P.V., Piwek L. Regulating wellbeing in the brave new quantified workplace // Employee Relations. – 2017. – Vol. 39, Issue 3. – P. 308–316.
19. Nwulu I., El-Helaly M. Artificial Intelligence and Occupational Health and Safety: Benefits and Drawbacks // American Journal of Medicine Open. – 2024. – Vol. 12. – DOI: 10.1016/j.ajmo.2024.100093.
20. International Labour Organization. Nearly 3 million people die of work-related accidents and diseases: ILO Global Report. – Geneva: ILO, 2023. – URL: <https://www.ilo.org/resource/news/nearly-3-million-people-die-work-related-accidents-and-diseases>
21. European Agency for Safety and Health at Work. Smart digital monitoring systems for occupational safety and health: uses and challenges. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2023. – URL: <https://osha.europa.eu>
22. Concept of "Zero-accident Total Participation Campaign" // Japan Industrial Safety and Health Association (JISHA). – URL: [https://www.jisha.or.jp/english/zero\\_accident.html](https://www.jisha.or.jp/english/zero_accident.html)
23. German Social Accident Insurance (DGUV): Facts and Figures. – URL: <https://www.dguv.de/en/facts-figures/index.jsp>
24. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий маълумотлари // Gazeta.uz, 02.05.2025. – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2025/05/02/mehnat-muhofazasi/>
25. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил яқунлари бўйича маълумотлари // Gazeta.uz, 13.01.2026. – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2026/01/13/accidents/>
26. Фарғона вилояти прокуратурасининг 2025 йил яқунлари бўйича ҳисоботи материаллари.